



Тарихий кун:

2003 йил 15 ноябрь санасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Таъсис Съезди бўлиб ўтган эди. 22 йил ушбу сиёсий куч учун шаклланиш, ривожланиш ва юксалиш даври сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди!



ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА: СИЁСИЙ ЖАСОРАТ ВА “ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ” НИНГ ҲАЁТИЙ ИСБОТИ

Ҳақиқатан ҳам, ишонч XXI аср дипломатиясининг “янги валюта”сига айланган. Ва бу валютани Ўзбекистон ўзига хос сиёсий жасорат ва иқтисодий изчиллик орқали қўлга киритмоқда.

“C5+1” формати бугун Марказий Осиё давлатлари учун умумий манфаатлар асосидаги янгиланиш моделига айланмоқда. Бу формат орқали минтақа

давлатлари ўз иқтисодий ва сиёсий келажагини ташқи ёрдамсиз, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч асосида қуриш имконига эга бўлмоқда.

Бугунги дунёда ташқи сиёсатнинг самарадорлиги декларациялар билан эмас, балки иқтисодий натижалар билан баҳоланади. Мамлакатимиз бу тамойилни ўз амалиётида муваффақият билан қўлламоқда.

2-3

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК, БАРҚАРОР ДИНАМИКА ВА ҚЎШМА ИМКОНИЯТЛАР САРИ



Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

Ўзбекистон – Америка муносабатлари бугунги кунда изчил мустақамланиш ва сифат жиҳатидан юксалиш босқичини бошдан кечирмоқда. Бу мамлакатимизнинг очкилик, амалий ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга йўналтирилган ташқи сиёсат йўналиши янгиланишининг амалий натижасидир.

Сўнгги йилларда сиёсий мулоқот динамикаси сезиларли даражада ошди. Мунтазам алоқалар минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув масалалари муҳокама қилинадиган ўзаро ишонч муҳитини яратмоқда. Ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқлилик ва ҳар бир томоннинг миллий устуворликларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ривожланаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтисодий соҳада Америка компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларда иштироки кенгаймоқда. Ахборот технологиялари, қайта тикланувчи энергетика, агросаноат комплекси ва тадбиркорлиқни ривожлантириш соҳаларидаги қўшма дастурлар фаол муҳокама қилинмоқда. Қўшма Штатларнинг етакчи молия институтлари билан шериклик алоқалари инвестицияларни жалб қилиш ва замонавий бошқарув амалиётларини жорий этиш учун қўлай шарт-шароит яратмоқда.

Таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Талабалар алмашинуви, мутахассислар тайёрлаш дастурлари ва қўшма тадқиқот лойиҳалари сони кўпаймоқда. Америка университетлари Ўзбекистон олий ўқув юрталарининг академик мобиллик дастурларини амалга ошириш ва инновацион ўқитиш услубларини жорий этишдаги асосий ҳамкорига айланмоқда. Бу глобал жараёнларда ўзига ишонч билан ҳаракат қила оладиган янги авлод мутахассисларини тайёрлашда муҳим ўрин тутаяпти.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу йўналишлардаги конструктив мулоқот минтақавий тинчликни мустақамлаш ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилаяпти. Буларнинг барчаси Ўзбекистон – АҚШ муносабатларининг ҳозирги босқичи ўзаро манфаатдорлик, барқарор динамика ва қўшма имкониятларни кенгайтириш истаги билан тавсифланишини кўрсатади. Ушбу ҳамкорлик минтақавий тинч ва илдам ривожланиши учун муҳим омил бўлаётди.

Бу тенденциялар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида ўз аксини топди. Ушбу мулоқот Ўзбекистон – Америка стратегик шериклигини изчил мустақамлашнинг мантиқий давоми бўлди.

Музокараларнинг муҳим жиҳати глобал ва минтақавий хавфсизлик масалалари, шу жумладан, Марказий Осиё ва Қўшма Штат-

ларнинг “C5+1” форматидаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан фикр алмашишдан иборат бўлди. Айнан шу кунни Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг ушбу форматдаги саммитида иштирок этди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти раислигида бўлиб ўтган саммит минтақанинг барча мамлакатлари раҳбарларини жамлади. Учрашувнинг ўзига хос муҳити Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти ошиб бораётгани ва барқарор ҳамкорлик механизмларини шакллантиришга интилишини тасдиқлади.

Мамлакатимиз етакчиси саммитни ташкил этгани учун Америка томонига миннатдорлик билдириб, ўтган ўн йил давомида “C5+1” формати минтақа давлатлари ва Қўшма Штатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт ва энергетика алоқаларини мустақамлаш учун самарали платформага айланганини таъкидлади. Ўз нутқида ҳамкорликни янада институционал ривожлантиришга қаратилган қатор долзарб ташаббусларни илгари сурди. Иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштирилаётган доимий фаолият юри-тадиган котибиятни таъсис этиш, Инвестициялар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ва “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” жамғармасини ишга тушириш, тайёр маҳсулотларни глобал етказиб бериш занжирларига киритиш учун махсус қўмитани тузиш, минтақавий агротехнологик инновациялар шериклигини ташкил этиш каби ташаббуслар шулар жумласидан.

Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи шериклиқнинг барқарор динамикаси ва ўзаро ишончнинг мустақамланишини намойиш этди. Ҳамкорликнинг янги амалий механизми шакллантирилиб, инвестициявий ва технологик лойиҳалар ишга туширилди. Муҳими, икки мамлакат ва бутун минтақанинг барқарор ривожланиши ва ўзаро манфаатлари йўлида биргаликда ишлашга тайёр экани тасдиқланди.

“XXI ASR” га обуна бўлинг, машина минасиз!



Шу кунларда барча босма нашрлар кейинги йил обунаси учун жиддий ҳаракатга киришган. Албатта, дасти узун ва иқтисодий жиҳатдан бақувватларининг кўнгли тўқлиги аён. Аввало, бу жараён жамият манфаати ва халқимиз маънавияти, тафаккурини ошириш баробарида мутолаа маданияти, саводхонлик даражасини ҳам шакллантиришда ўзига хос барометр вазифасини ўташи оддий ҳақиқат. Шу маънода Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси муассислигида 2004 йилдан бери мунтазам chop этиб келинаётган “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти бугундан эътиборан қўтилмаган ТАШАББУСни бошлаб берапти. Бу, бевосита 2026 йил обунасини юксак савияда ташкил этган юридик шахсларни рағбатлантириш мақсадида уюштирилмоқда.

Демак, талаб ва таклиф шундай:

2026 йилда “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасига

1500 дона йиллик обуна учун – “BYD CHAZOR CHAMPION”
автомашинаси

1000 дона йиллик обуна учун – “Cobalt Midnight MCM”
автомашинаси

500 дона йиллик обуна учун – iPhone 17 Pro Max
билан тақдирланади!

Танловда қатнашиш учун фақат таҳририят билан тўғридан-тўғри тузилган шартнома инобатга олинади. Йиллик обуна бўлиш учун белгиланган муддат – 25 декабр гача.

Газетанинг бир йиллик обуна нархи 840 000 сўм.

Мурожаат учун телефонлар:

(71) 255 68 50, (71) 255 45 08, +998 (97) 266 50 44



ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ: ИЧКИ
БОЗОРДАН ТАШҚИ БОЗОРГА ЙЎЛ



ДАРМОНХОНАМИ ЁКИ
АРМОНХОНА?

Амалий ҳамкорликдан стратегик шериклик сари



Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатда туб ўзгаришларни амалга оширмоқда. Мамлакатнинг халқаро майдондаги фаолияти, минтақавий ва глобал масалаларга дахлдорлиги, хорижий ташкилотлардаги нуфузи сезиларли даражада ошди. Бу жараёнда Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил май ойида Америка Қўшма Штатлари-га расмий ташрифи икки давлат ўртасида стратегик шерикликнинг янги даври учун мустаҳкам пойдевор яратган эди. Ушанда томонларда ўзаро ишонч пайдо бўлди. 2023 йил сентябрь ойида Нью-Йоркка амалий ташриф эса “С5+1” форматидаги биринчи тарихий саммит сифатида ёдда қолди.

Жорий йилда БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессияси доирасида Нью-Йоркда Президент Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида бўлиб ўтган учрашув эса икки лидернинг самимий мулоқоти, юксак ишончи, эҳтиром намунаси мутлақо янги даражадаги муносабатлар учун йўл очувчи тарихий воқеага айланди. Нью-Йоркда ўтказилган ишбилармонлик форумлари, америкалик инвесторлар билан музокаралар натижасида фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, молия ва инновациялар, кимё, энергетика ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 100 млрд доллардан зиёд бўлган шартнома ва ис-

тиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Бугунги кунда АҚШ билан вазирлик ва идоралар кесимида ҳам турли даражадаги ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда. 2022 йилгача икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 8 марта сиёсий маслаҳатлашув ўтказилган бўлса, 2021 йилдан бошлаб улар Янги Ўзбекистон АҚШ стратегик шериклик мулоқоти форматига ўтказилди. Дипломатлар ўртасидаги ушбу ҳамкорлик платформасининг биринчи йиғилиши 2021 йил декабрь ойида Тошкентда бўлиб ўтганди. Шундан бери учрашувлар икки давлат пойтахтларида навбат билан давом этмоқда. Бундай шаклдаги охириги йиғилиши якунлари бўйича томонлар мазкур форматни эндиликда кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқоти даражасига кўтаришга келишиб олдилар.

Парламентлараро ҳамкорлик ҳам изчил давом этмоқда. Яъни Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар бугун аниқ ташаббуслар ва амалий ҳаракатларга таянмоқда. Бунда иқтисодий алоқалар сиёсий мулоқотнинг асосий таянчи, икки давлат ҳамкорлигининг муҳим устувор йўналишига айланди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2024 йилда ўзаро савдо ҳажми 15,2 фоизга ўсди, 2025 йилнинг январь-июль ойларида 509 ярим млн долларни ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида 314 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 177 таси тўлиқ АҚШ капитали асосида ташкил этилган. 2024 йилда Америка Қўшма Штатларидан миллий иқтисодиётимизга 636 млн долларлик тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилди. 2025 йилнинг дастлабки тўрт ойида эса бу кўрсаткич 72,8 миллион долларга етди. Ҳозирда юрти-мизда “General Motors”, “Hyatt”, “John Deere”,

“Boeing”, “Coca Cola” ва бошқа йирик компанияларга тегишли корхона ва ташкилотлар фаолият юритмоқда. 2023 йилнинг сентябрь ойида Вашингтонда ўтказилган Ўзбекистон – АҚШ бизнес форумида 11,2 млрд долларлик инвестиция ва савдо келишувларига эришилганидан хабардормиз. 2017 йилдан буён йўлга қўйилган “Тошкент – Нью-Йорк – Тошкент” тўғридан-тўғри авиакатновлари икки давлат ўртасидаги алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Маданий гуманитар ҳамкорлик доираси ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Тошкент – Сит-Этл, Бухоро – Сент-Пол, Зарафшон – Клинтон шаҳарлари ўртасида биродарлик ришталари ўрнатилган. 2019 йили Webster University университетининг Тошкент филиали очилган. 2024 йилда эса Аризона штати университети ҳамкорлигида Америка технологиялари университети иш бошлади.

2023 йили Тошкентда ўтказилган Education USA минтақавий форумида АҚШнинг 65 та олий таълим муассасаси иштирок этганди. Бугун океанортидаги ТОП университетларда кўплаб ўзбекистонлик ёшлар, тадқиқотчилар таҳсил олиб, малака ошираётганини таълимдаги мустаҳкам ҳамкорликнинг реал натижаси дейиш мумкин. Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорлик форматларида ҳам фаол. Бунга мисол сифатида Марказий Осиё+АҚШ мулоқот платформасини айтиш мумкин. Бу жараёнда Ўзбекистон минтақавий барқарорлик, ҳамкорлик, изчил тараққиётга таянган ёндашувни илгари сурмоқда. Асосийси, барча форматлардаги алоқалар, муносабатлар бир-бирини тўлдириб, қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқ.

Навбатдаги Иккинчи Марказий Осиё АҚШ саммити мазмун жиҳатидан нафақат лидерлар иштирокидаги фикр ва ғоялар алма-

шуви, балки янги тактифлар шаклланадиган мулоқот майдонида айланди, десак муболаға бўлмайди. Бу жараёнда Ўзбекистон шунчаки иштирокчи эмас, ҳақиқий модератор, аниқ тактифларни илгари сурадиган ҳамда минтақа манфаатларини уйғунлаштира оладиган фаол ташаббускор сифатида майдонга чиқди, дейишга бизда тўла асослар бор.

Бугун АҚШдаги йирик компания ва корпорациялар, халқаро молия институтлари, глобал тузилмаларнинг бош офисларида масъулиятли лавозимларда меҳнат қилаётган, ўз бизнесини йўлга қўйган, шунингдек, “Top-100” таликка кирадиган нуфузли университетларда, илмий тадқиқот марказларида таҳсил олаётган ўзбекистонликлар сафи кенгайиб бормоқда. Уларнинг мақсади илгор халқаро тажрибалар, илм-фан ютуқларини ўрганиш орқали Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўиши ва иқтисодиётимизга янги инновациялар ечимини олиб киришдан иборатдир. Бу йўлда ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тактифларини тинглаш давлатимиз раҳбарининг эзгу мақсадларидан эканини барчамиз яхши биламиз.

Шу маънода Президентимиз ушбу олий даражадаги ташрифлар дастури қанчалик тизиз бўлишига қарамай, океанортида тақдир тақозоси туфайли яшашган ватандошларимиз билан ҳам учрашишга улгургани барча ўзбекистонликларни қувонтириб юборди. Вашингтондаги қароргоҳ олдида жам бўлганларнинг

хурсандлиги, меҳр-муҳаббати, эҳтиромни, таъкидлаш керакки, чин маънода уларнинг ҳам юртбошимизга, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга хайрихоҳ ва елкадошлигининг юксак намунасидир. Қу-затганимиздек, Шавкат Мирзиёев йиғилганларнинг ҳаммаси билан чин дилдан суҳбатлашиб, ҳар бирининг ўқиши, меҳнат фаолияти, ютуқлари билан қизикди. Мулоқот ҳар қандай расмийликлардан холи, илиқ ва самимий руҳда ўтди. Бу каби учрашувлар замирида эртанги ёруғ кунларга ишонч, халқаро майдонда нуфузи тобора ошиб бораётган Ўзбекистони-мизнинг барча соҳаларида эришаётган тарихий ютуқларидан гурур ва ифтихор туйғуси мужассам.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Вашингтон шахридаги Оқ уйда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг саммитидаги иштироки дунё сиёсий аренасида ҳам кенг муҳокама-лар мавзусига айлангани бежиз эмас. Чунки бу ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги бир босқични бошлаб берганини исботлайди. Нафақат бу воқеа икки томонлама муносабатлар ривожини, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва халқаро майдондаги обрўси учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон энди фақат минтақавий эмас, балки глобал миқёсда ҳам стратегик шерик сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораверади.

АҚШ Ўзбекистоннинг ГАРБИЙ ЯРИМ ШАРДАГИ асосий ва ишончли ҳамкорларидан бири саналади. Кейинги йилларда Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги дўстона алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Йил сайин икки томонлама товар айланмаси ҳажми ва инвестициявий лойиҳалар сони ўсмоқда. Қолаверса, кокус амалиётига мувофиқ, бир йилда икки марта Америка – Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўллари муҳокама қилинади.



Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Парламентлараро алоқалар ҳам юқори босқичда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган ҳафтада Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидаги саммити доирасидаги учрашувлари бу борада янги саҳифа очди. Оқ уйда бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу жумладан, икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигида парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади ва жадал ривожланиб бормоқда. Масалан, Конгресс Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари Ўзбекистонга мунтазам ташриф буюрмоқда. “Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича кокус” фаол ишламоқда, унинг таркиби кенгаймоқда. Ташриф доирасида АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Билл Хайзэнга, Кэрролл Миллер ва Сидни Камлагер-Давни билан учрашув ҳам мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг тизимли асосда ривожлантиришга хизмат қилади. Бинобарин учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакат парламентларининг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилиб, қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан ҳамкорлик

бўйича кокус самарали фаолият юритаётгани кайд этилди.

Мамлакатимиз етакчисининг АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари билан учрашуви Ўзбекистон учун ташқи сиёсатда, инвестиция ва парламентлараро ҳамкорликда муҳим босқичдир. Бу – икки томонлама муносабатларнинг сиёсий, парламент, минтақавий ва бизнес қирраларини яқинлаштириш учун муҳим сигнал вазифасини ўтайди. Асосийси, бу учрашув давлатларимиз ўртасидаги жадал ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШ Сенатидаги Марказий Осиё бўйича кокуснинг ҳамраиси, сенатор Стив Дэйнс билан учрашуви икки томонлама муносабатларни фақат дипломатик даражада эмас, балки амалий кенгаш ва бизнес ҳамкорликкача олиб чиқиши аниқ. Хусусан, Монтана штати билан бизнес миссиясини ташкил этиш келишуви ҳудудлараро динамикани яратишда муҳим қадам бўлса, Сенатдаги Марказий Осиё бўйича кокуснинг фаолиги Ўзбекистон учун сиёсий майдонда қўшимча имкони-ятлар очади.

Шавкат Мирзиёевнинг океанортига ташрифи савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш, икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш билан бирга, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, очиқ ташқи сиёсатда содиқ, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликка тайёрлигини яна бир бор на-мойиш этди.

СЎРОВГА ИИВ ЖАВОБ БЕРДИ


НИҲОЯТ 100 МИНГДАН ОРТИҚ
ЁШЛАРНИНГ МАСАЛАСИ ИЖОБИЙ
ЕЧИМ ТОПДИ!

2023 йилда касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиниб, транспорт воситаларини бошқариш бўйича ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш йўналишини жорий йилда тамомлаган ўқувчиларга замонавий автодромларда амалиёт ўтамагани сабаб қилиб кўрсатилиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини оlish учун имтиҳон тошширишга рухсат берилмай келинган.

Бунга асос қилиб, ички ишлар вазирининг 2024 йил 18 январдаги тегишли буйруғи кўрсатилган. Натижада ушбу масала кўплаб фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Вахотанки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги “Автомобилотранспорт бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (408-сонли) билан тасдиқланган тегишли низоомларга мувофиқ, техникум ва политехникумлар ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги, автомобилотранспорт воситаларининг тузилиши ва уларга сервис хизмат кўрсатиш, ташишларни ташкил этиш фанларидан назарий ҳамда 72 соат ҳажмда амалий машғул-лотлари ўтказилган.


Яхши биламиз, Конституциямизнинг 20-моддасида “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига



талқин этилади”, деб белгиланган. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг 41-моддасида эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилиши қайд этилган. Шу боис Ички ишлар вазирлигига юқоридаги масала юзасидан депутат сўрови юборилиб, унда масаланинг моҳияти, ҳуқуқий асослари батафсил тушунтирилди. Натижада вазирлик жойларга махсус топшириқ хати юбориб, масалани ижобий ҳал этилишига

яқиндан кўмак берди. Сўров қаноатлантирилиши натижасида республика миқёсда 70 мингдан ортиқ ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналарини қийнаб келаятган муаммо ижобий ечим топди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, аввалроқ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига йўлланган депутатлик сўровимиз натижасида республика миқёсда 30 мингдан ортиқ 9-синф битирувчиларининг техникумларга ўқишини кўчириши билан боғлиқ муаммоси ҳам ҳал этилган эди.



ЎЗБЕКИСТОН – АМЕРИКА:

СИЁСИЙ ЖАСОРАТ ВА “ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ” НИНГ ҲАЁТИЙ ИСБОТИ



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси,
иқтисод фанлари доктори, профессор

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсати ўз тараққиётининг янги bosқичига қадам қўйди. Бу bosқичнинг бош ғояси тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ва прагматик ҳамкорликка асосланган янги дунёвий муносабат моделини шакллантиришдан ibорат.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга амалий ташрифи ана шу моделнинг амалдаги ифодасига, Янги Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик дипломатиясининг ёрқин намунасига айланди. Бу ташриф нафақат икки давлат муносабатларида янги саҳифа очди, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун глобал геоиқтисодий тенгламаларни ўзгартирувчи воқеа бўлди.

Ноябрнинг илк кунларида Вашингтон шаҳрида рўй берган бу тарихий воқеа жаҳон сиёсий доираларининг эътибор марказига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев АҚШ етакчиси Дональд Трампнинг таклифига биноан амалий ташриф билан келар экан, у нафақат икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янги bosқичини белгиледи, балки минтақавий барқарорлик ва халқаро иқтисодий тизимдаги Ўзбекистоннинг ўрнини янада мустаҳкамлади.

Ташрифнинг ташқи кўриниши расмий дипломатик суратлар ва қабуллар билан чекланмади. Аслида, унинг мазмун-моҳиятида иқтисодий стратегия, сиёсий жасорат ва узоқни кўзловчи минтақавий истиқбол мурассам эди. Бу ташриф орқали дунё яна бир бор яққол англади: Янги Ўзбекистон фақат кўшнилар билан эмас, балки глобал шериклар билан ҳам тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида мулоқот қила олади.

Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари тарихига назар ташласак, улар ўтган асрнинг охиридан буён турли даврларни, синов ва яқинлашув bosқичларини бошидан кечирган. Бироқ сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва очиқ ташқи иқтисодий сиёсат бу муносабатларга мутлақо янги руҳ бағишлади. Энди Вашингтон Тошкентни фақат геосиёсий нуқтаи назардан эмас, балки минтақавий иқтисодий барқарорлик ва глобал энергия занжирларидаги муҳим стратегик шерик сифатида кўрмоқда.

Бу ташрифнинг энг катта аҳамияти – ҳар бир келишув, ҳар бир ҳужжат ортида аниқ иқтисодий мазмун, аниқ манфаат ва аниқ натижа ётганидир. Улар орқали нафақат давлатлараро муносабатлар, балки бизнес, инновация ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги қўшма фаолиятнинг янги имкониятлари очилди.

Ҳақиқатан ҳам сўнгги саккиз йил ичида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо айланмаси 4 баробар ўсди, ҳозирда қарийб 1 миллиард долларга етди. Мамлакатимизда 300 дан ортиқ Америка компаниялари самарали фаолият юритмоқда. Бу рақамлар ислохотлар ва очиқ иқтисодий сиёсатнинг ҳаётий самардорлигини яққол тасдиқлайди.

Вашингтонда ўтган музокаралар чоғида АҚШнинг етакчи молиявий институтлари билан ҳам қатор муҳим битимлар имзоланди. Хусусан, Эксимбанк билан энергетика, муҳим минераллар, транспорт ва ахборот технологиялари соҳаларида йирик лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан келишувга эришилди. Бунинг аҳамияти шундаки, лойиҳалар хорижий қарз ёки бюджет маблағлари ҳисобидан эмас, балки хусусий капитални жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) билан инфратузилма, саноат ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган келишувлар имзоланди. Бу эса мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик тизимини янги сифат bosқичига олиб чиқиш, институционал иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва хусусий секторга ишончни қучайтиришга хизмат қилади.

Ҳар бир битим ортида нафақат иқтисодий ҳисоб-китоб, балки янги ишлаб чиқариш қувватлари, экспорт салоҳияти ва маҳаллий инновацион имкониятлар ётади. Бу жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётининг янги шаклланиш bosқичлари, яъни қонун устуворлиги, бозор тамойиллари ва халқаро ҳамкорликка асосланган барқарор ривожланиш моделини белгилаб бермоқда.

АҚШга ташриф доирасидаги энг муҳим сиёсий воқеа “C5+1” саммитида иштирок этиш бўлди. Бу формат Марказий Осиё мамлакатлари билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш учун яратилган платформа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари саммитда сўзга чиқар экан, минтақавий ҳамжиҳатлик, транспорт-коммуникация занжирлари, энергетика хавфсизлиги ва муҳим минераллар соҳасидаги кооперацияни стратегик устувор вазифа сифатида белгиледи.

Бу ерда иккита жиҳат жуда муҳим. Биринчиси, геосиёсий реализм. Марказий Осиё – Хитой ва Россия ўртасидаги транспорт узели, Европага чиқиш учун табиий йўлак. АҚШ учун бу ҳудуд бафат иқтисодий, балки геостратегик аҳамиятга эга. Иккинчиси, Ўзбекистоннинг янги ташаббускорлик роли. “C5+1” доирасида доимий фаолият юритувчи Котибият ташкил этиш, Инвестициялар ва савдо

бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳамда “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги жамғармаси”ни яратишни таклиф этди. Бу ташаббуслар минтақавий иқтисодий тизимда интеграцион иқтисодиёт модели сари қадам бўлиб, Марказий Осиёни умумий ишлаб чиқариш ва логистика занжирига айлантириш имконини беради.

“C5+1” формати доирасида илгари сурилган инвестициявий шериклик жамғармаси ва муҳим минераллар бўйича қўмита яратилиши бу нафақат иқтисодий, балки стратегик барқарорликни таъминлайдиган йўналишдир. Зеро, XXI аср иқтисодиёти минерал ресурслар ва энергия занжирларига асосланган. Мамлакатимиз бу соҳада фақат экспорт қилувчи эмас, балки қайта ишловчи ва технология яратувчи давлатга айланиш йўлида қатъий ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг ташаббуси – фақат минтақавий эмас,



балки глобал иқтисодий тизимдаги янги тенглик моделини яратишга қаратилган.

Сиёсий интеграция ҳақида кўп гапирилади, ammo амалда унинг пойдевори иқтисодий ҳамкорликдир. Фикримизча, “C5+1” платформаси мамлакатларимиз учун фақат дипломатик формат эмас, балки иқтисодий манфаатлар ҳамжиҳатлиги, яъни “ижобий рақобат ва ўзаро фойда” моделидир.

“C5+1” – бу оддий сиёсий формат эмас. У АҚШнинг минтақамиздаги сиёсий манфаатларини амалий иқтисодий дастурларга айлантираётган инструментга айланди. Бироқ, бу платформанинг энг катта ютуғи мамлакатларнинг ўзаро ишончини оширишда.

Иқтисодчи сифатида бунини шундай баҳолайман: агар минтақада транспорт, энергия ва савдо соҳаларидаги йирик лойиҳалар учун ягона ҳуқуқий ва молиявий макон шаклланса, Марказий Осиё ички савдо айланмаси 2030 йилга бориб, ҳозиргидан камидан икки баробарга ошиб, 90-100 миллиард долларга етиши мумкин.

Минтақадаги давлатлар иқтисодий жиҳатдан бирлашса, бу нафақат ички савдо ҳамжамияти, балки глобал бозорларда Марказий Осиёнинг ягона брендини шакллантиради. Бу “яшил” энергетика, минерал ресурслар, агротехнологиялар ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги янги истиқболлар учун кенг майдон очади.

Яна бир муҳим йўналиш энергетика ва ноёб минераллар соҳаси бўлди. Ўзбекистонда уран, мис, вольфрам, молибден ва графит захиралари катта. Бу ресурслар XXI аср иқтисодиётининг “олтин асоси” ҳисобланади, чунки улар илғор технологиялар, микрочиплар ва яшил энергия тизимлари учун зарур.

“C5+1” формати доирасида АҚШ билан Critical Minerals Dialogue ташкил этилиши ҳам ана шу йўналишдаги яқин ҳамкорликнинг ифодаси. Бу фақат экспорт ёки ҳомашё сотиш эмас, балки нарх занжирининг юқори bosқичларига чиқиш имкониятидир. Бугунги кунда қазиб олишдан қайта ишлашга, қайта ишлашдан технологик маҳсулот яратишга қадам ташляямиз. Бу жараёнда америкалик

шериклар учун ҳам катта манфаат мавжуд.

2030 йилга бориб юртимизда яратиладиган 18-20 гигаваттлик қайта тикланувчи энергия тизими, бу нафақат иқтисодий ислохот натижаси, балки глобал “яшил иқтисодиёт” сиёсати билан ҳамоханг қарор. Мазкур стратегия юртимизни минтақадагина эмас, бутун Евроосиё қитъасида энергетик барқарорлик марказига айлантириши мумкин.

Яна бир устувор йўналиш транспорт ва рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини ривожлантириш бўлди. 2030 йилга қадар мамлакатимизда автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар ва логистика марказларини модернизация қилиш учун 12 миллиард доллар сармоя киритиш режалаштирилган. Бу фақат ички лойиҳа эмас. Бу трансатлантик транспорт коридори, Марказий Осиё-Кавказ-Европа йўналиши ва Жанубий йўлак каби стратегик трассаларга улаиш деганидир.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт соҳасида “Google”, “Meta”, “NVIDIA”, “Palo Alto Networks” билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Apple Pay ва Google Pay тўлов тизимлари жорий этилиши, рақамли академиялар ташкил

ларга катта эътибор билан қарайди. Демак, Вашингтондаги учрашувлар нафақат сиёсий, балки молиявий индикатор сифатида ҳам тарихга кирди. Бу сўзлар халқаро сиёсатда кам учрайдиган очиқ ишонч ифодаси. Улар фақат баёнот эмас, балки глобал дипломатиядаги ишонч капиталининг энг юксак кўриниши ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, **ишонч** XXI аср дипломатиясининг “янги валюта”сига айланган. Ва бу валютани Ўзбекистон ўзига хос сиёсий жасорат ва иқтисодий изчиллик орқали қўлга киритмоқда.

“C5+1” формати бугун Марказий Осиё давлатлари учун умумий манфаатлар асосидаги янгилаиш моделига айланмоқда. Бу формат орқали минтақа давлатлари ўз иқти-

содий ва сиёсий келажагини ташқи ёрдамсиз, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч асосида қуриш имконига эга бўлмоқда.

Бугунги дунёда ташқи сиёсатнинг самардорлиги декларациялар билан эмас, балки иқтисодий натижалар билан баҳоланади. Мамлакатимиз бу тамойилни ўз амалиётида муваффақият билан қўлламоқда.

АҚШ билан муносабатларда сўнгги йиллардаги энг катта ютуқ бу идеология эмас, амалий натижага асосланган иқтисодий реализм концепциясининг қарор топганидир. Давлатимиз ташқи сиёсатининг бу йўналиши аниқ белгилаб олинган: биз ҳар бир давлат билан, энг аввало, халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб, амалий ҳамкорлик қиламиз.

Бу ёндашув АҚШ билан муносабатларда тўла ифодасини топмоқда. Авваллари Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги алоқалар кўпинча геосиёсий контекстда баҳоланган бўлса, ҳозирги bosқичда асосий эътибор иқтисодий прагматизмга, сармоя, технология ва илмий ҳамкорликка қаратилмоқда.

Шу маънода, икки давлат муносабатлари “шерикликнинг янги тип”и сифатида шаклланоқда: бу ерда томонлар бири иккинчисини назорат қилмайди, балки ўзаро имкониятларни тўлдирувчи тизим яратаяди.

Ўтган асрда Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари кўпинча хавфсизлик ёки сиёсий стратегия нуқтаи назаридан баҳоланган бўлса, сўнгги йилларда уларнинг марказига **иқтисодий прагматизм ва инновацион ҳамкорлик** чиқди.

Бу ўзгаришнинг моҳияти шундаки, икки давлат эндиликда фақат геосиёсий эмас, балки иқтисодий манфаатлар кесишувида, ўзаро фойда тамойили асосида шерикликни қурмоқда. АҚШ учун Ўзбекистон – Евроосиё қитъасининг геоиқтисодий марказида жойлашган, энергия ва минерал ресурсларга бой ишончли ҳамкор. Ўзбекистон учун эса Америка – капитал, технология ва билим бозоридир.

Шу жиҳатдан, ташрифини “иқтисодий дипломатия”нинг амалий намоёни деб баҳолаш мумкин. Бу дипломатиянинг асосида ҳамкорликни сиёсий эмас, иқтисодий истиқболлар

нуқтаи назаридан кўриш фалсафаси ётади.

Ташриф давомида имзоланган битимлар сони ва турлари шундоқ ҳам катта аҳамиятга эга. Лекин уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий моҳияти янада муҳим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан “Re Element Technologies” ўртасида нодир металллар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув стратегик салоҳиятли қарордир. У нафақат янги саноат тармоқларини очади, балки мамлакатни юқори технологияли қайта ишлаш бозорига киритади.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Valmont Industries” ўртасидаги сувни тежайдиган технологиялар бўйича битим сув ресурслари етишмовчилиги муаммосига амалий ечим бўла олади. Бу каби шартномалар орқали Ўзбекистон “иқтисодий дипломатия” фалсафасини амалга оширмоқда, яъни дипломатик ташрифларни фақат сиёсий эмас, иқтисодий дивиденд манбаига айлантирмоқда.

Бугун дунёда ташқи иқтисодий сиёсатни “soft power” эмас, балки “smart power” белгилайди. Яъни сиёсий дипломатия иқтисодий манфаат билан уйғун бўлмаса, барқарор натижа бермайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг АҚШ билан олиб бораётган мулоқоти, реал секторга йўналтирилган ақлли дипломатия намунаси бўлди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу соҳада АҚШнинг етакчи технологик гигантлари билан ҳамкорлик катта суръатда ривожланоқда.

Таъкидлаш лозимки, бундай ҳамкорлик нафақат ташқи инвестиция оқимини қўпайтирмоқда, балки мамлакатимизнинг институционал иқтисодиётини мустаҳкамламоқда, яъни қонунчилик қафолатлари, корпоратив бошқарув ва молиявий масъулият маданияти янги даражага чиқмоқда.

Мамлакатимиз бугун халқаро майдонда ўз сўзи, ўз позицияси ва ўз келажак моделига эга давлат сифатида намоён бўлди. Унинг стратегик шериклик сиёсати барқарор иқтисодий ўсиш, очиқ бозор, инновация ва қонун устуворлиги каби принципларга таянмоқда.

Глобал сиёсатдаги мурраккаб рақобат шароитида ҳар бир давлат учун энг муҳим масала – миллий манфаатлар мувозанатини топишдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Америкага ташрифи айнан шу мувозанатни амалий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон ҳеч қайси геосиёсий лагерга қўшилмасдан, барча йирик давлатлар билан тенг ва прагматик асосда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлайди.

“Янги Ўзбекистон” бренди бугун халқаро майдонда ислохотлар, очиқлик, инвестиция учун қўлай муҳит ва масъулиятли давлат рамзига айланди. Бу брендининг қиймати фақат иқтисодий кўрсаткичларда эмас, балки ишонч ва ҳамкорлик маданиятида намоён бўлмоқда. АҚШ ишбилармон доираларининг Ўзбекистон бозорига қизиқиши ҳам ана шу ишонч натижасидир.

Сиёсий барқарорлик – иқтисодий ўсишнинг шартидир. Иқтисодий ўсиш – ижтимоий адолатнинг пойдевори. Шу боис ҳам Америка билан шериклик нафақат иқтисодий, балки инсон капитали, таълим, маданият ва фан соҳаларида ҳам янги истиқболларни очмоқда.

Ўзбекистон бугун глобал шериклар олдида ўз сўзи, позицияси ва келажак концепциясига эга давлат сифатида намоён бўлмоқда. Президентимизнинг АҚШга ташрифи ана шу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Ушбу ташрифдан кейинги йилларда иқтисодий кўрсаткичлар, инвестиция оқими ва янги лойиҳаларнинг кўпайиши сиёсий тадбирнинг эмас, миллий стратегиянинг самараси бўлади.

Бу ташриф Ўзбекистон парламент дипломатияси учун ҳам янги йўналишларни очди. Хусусан, қонунчилик жараёнида халқаро тажрибани интеграция қилиш, иқтисодий сиёсатни глобал стандартларга мослаштириш ва инвестициявий муҳитни янада барқарорлаштириш вазифалари кун тартибига чиқди.

Хулоса шуки, Америка ташрифи янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг концептуал ифодага эга бўлган “ишонч, прагматизм ва ҳамжиҳатлик” моделини амалда кўрсатди. Бу галги сафар орқали мамлакатимиз нафақат иқтисодий шериклар сонини қўпайтирди, балки халқаро сиёсий майдонда ўз овозини янада баянлаб эшиттирди. Глобал рақобат шароитида ишончга асосланган шериклик – энг қimmat капитал. Ўзбекистон бу капитални яратишга ва асраб-авайлашга муваффақ бўлмоқда.

ЮКСАЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ: ИЧКИ БОЗОРДАН ТАШҚИ БОЗОРГА ЙЎЛ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодийётида саноат соҳаси мамлакат тараққиётининг асосий таянч устуни сифатида шаклланиб бормоқда. Мустақиллик йилларининг дастлабки босқичларида бу тизим кўп жиҳатдан марказлашган ва давлат назоратига бўйсунадиган ҳолда фаолият юритган бўлса, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар натижасида ушбу соҳа мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон” тамойилларига асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида маҳаллий саноатни ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари турибди.

Саноат жабҳасининг барқарор ўсиши нафақат миллий иқтисодиётнинг ҳажмига, балки аҳоли бандлиги, валюта тушумлари ва илмий-техника салоҳиятининг ошишига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Утган йилларда мамлакатда саноат соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Масалан, Давлат статисти-ка кўмитаси маълумотларига кўра, жорий йил-нинг дастлабки чорагида саноат ҳажми утган йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 фоизга ўсди. Бу натижа саноатнинг барча йўналишларида фаол ривожланиш кетма-кетлигини намоён этади. Хусусан, металлургия, кимё, нефть-газ, машинасозлик, электр энергияси ишлаб чиқа-риш ва қурилиш материаллари соҳаларида янги ишлаб чиқариш қувватлари йўлга қўйил-моқда. Тошкент, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларидаги саноат зоналарида минглаб янги корхоналар фаолияти бошланган. Бу жараён нафақат иш ўринлари яратишда, балки маҳаллий ҳудудларнинг иқтисодий салоҳия-тини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб эт-моқда.

Кузатаётган бўлсангиз, юртбошимиз ра-ислигида ташкил этилаётган йиғилишларда саноат соҳаси доимо асосий мавзулардан би-ри бўлиб келмоқда. Шу йил 26 май куни ўт-казилган видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари маҳаллий саноатни ривожлантириш бўйича янги имкониятлар ҳақида сўз юритар экан, бу йилнинг дастлабки тўрт ойда сано-ат ҳажми 6,3 фоизга, экспорт эса 20 фоизга ошганини таъкидлади. Президент таъбирича, ҳар бир ҳудудда мавжуд саноат салоҳияти-ни тўлиқ ишга солиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги ишлаб чиқариш занжирларини шакл-лантириш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўна-лиши бўлиб қолиши керак. Бу фикрдан келиб чиқиб айдиш мумкинки, мамлакатдаги ҳар бир ҳудуд энди фақат хомашё етказиб берувчи эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи марказ сифатида шаклланмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида давлат бюд-жети ижроси мамлакатда амалга оширилаёт-ган иқтисодий ислохотлар, айниқса, саноат соҳасидаги фаол инвестициялар билан чам-барчас бoғлиқ бўлди. Яна Давлат статисти-ка кўмитаси маълумотларига эътибор қаратай-лик: 2025 йилнинг олти ойда давлат бюджети даромад қисми 102,3 триллион сўмни ташкил этган бўлиб, бу утган йилга нисбатан 11 фoиз кўпдир. Харажатлар эса 129,1 триллион сўмга етди ва умумий харажатлар 25 фoиздан ортиқ ўсди. Мазкур ўсиш, аввало, саноат соҳасида-ги фаол иқтисодий муҳит ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан изоҳланади. Янги завод ва фабрикаларнинг фаолияти, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги қувватларнинг ишга туширилиши натижа-

сида солиқ ва божхона тушумлари ошди, бу эса давлат бюджетининг даромад қисмига се-зиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, кимё, ку-рилиш материаллари, металлургия ва нефть-газ саноати тармоқларида фаолият юритувчи корхоналар бюджетнинг асосий солиқ манба-ига айланди. Бу ҳолат саноат тараққиётининг мамлакат молиявий барқарорлиги учун асо-сий қувват манбаи сифатида қай даражада муҳим эканини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, бюджет харажатлари-нинг ошиши ҳам саноат сиёсатини амалга оширишга йўналтирилгани билан изоҳланади. Президентимиз раҳбарлигида олиб бoри-лаётган саноатни ҳудудларда ривожлантириш, инновацион ишлаб чиқариш занжирларини яратиш ва энергетик қувватларни кенгайти-риш каби дастурларни молиялаштириш учун катта маблағлар ажратилди. Инфратузилма-ни янгилаш, янги индустриал зоналар барпо этиш, муҳандислик коммуникацияларини қу-риш ва таълим тизимини саноат эҳтиёжларига мослаштириш бюджет харажатларининг асо-сий йўналишларидан бўлди. Шу сабабли, 26,8 триллион сўмлик дефицит шаклланган бўл-са-да, бу ҳолатга ижобий стратегик сармоя сифатида қаралмоқда, чунки ҳар бир сарф-ланган сўм келгусида иқтисодий фойда, янги иш ўринлари ва экспортбоп маҳсулот кўри-нишида давлат хазинасига қайтиб келиши ку-тилмоқда. Натижада, давлат бюджети ва са-ноат тараққиёти ўртасида ўзаро бoғлиқ тизим шаклланиб, бу ҳам иқтисодий ўсишнинг, ҳам ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон саноатида тармоқлар кесимида ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Тўқимачилик соҳа-сида 7 мингдан зиёд тадбиркор 500 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Бу орқа-ли маҳаллий брендлар ва экспортбоп тўқи-мачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаж-ми кескин ошди. Шу билан бирга, кимё ва нефть-газ саноатидаги ислохотлар мамлакат-нинг экспорт салоҳиятини янги бoсқичга олиб чиқмоқда. Навоий вилоятида амалга ошири-лаётган аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лoйиҳалари, Сирдарё вилоятида қурилаётган янги нефтни қайта ишлаш заводлари бунинг ёрқин мисолидир.

Саноат сиёсатининг муҳим жиҳати – маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси-ни чўқурлаштиришдир. Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, ўз маҳсулотини ишлаб чиқаришга ўтмасдан туриб, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапирish мумкин эмас. Шу боис кейинги йилларда импортни алмаштириш дастурлари доирасида юзлаб янги маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу эса мамлакатдаги ишлаб чиқариш занжирла-



рини мустаҳкамлаш, хомашёдан тайёр маҳсу-лотгача бўлган бoсқичларни ўз ҳудудимизда амалга ошириш имконини яратмоқда. Қола-верса, бу йўналишда давлат томонидан солиқ имтиёзлари, арзон кредитлар ва лoйиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳам жорий қи-лингaн.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон саноа-ти нафақат ички бoзop эҳтиёжларини қонди-ришда, балки ташқи бoзopларда ҳам ўз ўр-нини мустаҳкамлаб бoрмоқда. Бу жараёнда Президентнинг инвестиция сиёсатини либе-раллаштириш, хорижий сармoядopларга қу-лай шарт-шaroит яратиш бўйича амалга оши-рган ислохотлари катта аҳамият касб этмоқда. 2025 йилнинг дастлабки ярмида хорижий ин-вестициялар 46 фoизга ошгани мамлакат са-ноатига бўлган ишончининг ёрқин кўрсаткичи-дир. Янги технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш стандартлари ва халқаро менежмент тажрибаларини жалб этиш орқали Ўзбекистон саноати минтақадаги энг рақобатбардош ти-зимлардан бирига айланмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон саноати ривожланишида ҳудудий ёндашув алоҳида аҳамият касб этмоқда. Илгари саноатнинг асо-сий қисми фақат йирик шаҳарлар – Тошкент, Навоий, Фарғона ёки Ангрen каби саноат мар-казларида тўпланган бўлса, сўнгги йиллар-да барча ҳудудларда саноат зоналари, кичик индустриал кластерлар ташкил этилмоқда. Бу эса ҳудудлар иқтисодийётини диверсификация қилиш, ишсизликни камайтириш ва аҳоли да-ромадларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Қашқадарё вило-ятида нефть-газини қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича йирик лoйиҳалар амалга оширилмоқда, Сирдарёда машинасозлик ва электр техникаси корхона-лари йўлга қўйилди, Хоразмда тўқимачилик кластери ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, инвестициялар соҳа-

сида ҳам сўнгги йилларда катта бурилиш юз берди. Агар 2016 йилгача саноатга жалб этил-ган хорижий сармoялар миқдoри умумий ин-вестицияларнинг 15 фoизидан ошмаган бўл-са, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 40 фoиздан ортиқни ташкил этмоқда. Бу эса давлат то-монидан яратилган қулай инвестиция муҳити, солиқ ва божхона имтиёзлари, эркин иқтисo-дий зоналар фаолияти самарасида эришил-ган натижадир. Президентимиз 2025 йил 16 июндаги йиғилишда таъкидлаганидек, ҳар бир сармoя, ҳар бир лoйиҳа аҳоли учун иш, дав-лат учун солиқ, мамлакат учун барқарор иқтисo-дий ўсиш манбаи бўлиши лoзим. Шу нуқтаи назардан, давлат инвестиция сиёсати фақат сармoя жалб қилиш эмас, балки уни oқилона бошқариш, технологик янгиланиш ва маҳал-лий ишлаб чиқариш қувватларини ривожлан-тиришга йўналтирилмоқда. Масалан, электр муҳандислиги, автомобил саноати, фарма-цевтика ва қурилиш техникаси йўналиш-ларида янги корхоналар барпо этилмоқда. Бу тармоқлардаги лoйиҳалар нафақат янги технологияларни жалб этиш, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро талабларга мос ишлашга ўргатиш вазифасини ҳам бажар-моқда.

Экспорт соҳасида ҳам ижобий ўзгариш-лар кузатилмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқа-рилаётган саноат маҳсулотлари сoни ва тур-лари йил сайин кенгайилмоқда. Илгари экспорт асосан пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсуoтла-рига таянган бўлса, бугунги кунда тайёр тўқи-мачилик маҳсулотлари, кимё ва қурилиш ма-териаллари, электр жиҳозлари ҳамда металл конструкциялар ташқи бoзopга чиқмоқда. 2025 йилнинг дастлабки тўрт ойда саноат экспoрти 20 фoизга ўсди, бу энг юқoри кўр-саткичлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Туркия, Россия, Қoзoғистон, Хитой ва Европа мамлакатларига йўналтирилаётган маҳсуoт-лар ҳажми кескин ортиб бoряпти. Бу жараён-

да ташқи савдо сиёсатидаги либераллашув, электрон сертификатлаштириш тизимлари ва лoгистика соҳасидаги ислохотлар ҳам катта роль ўйнамоқда. Экспорт йўналишидаги кор-хоналар учун давлат субсидиялари, кредит имтиёзлари ва экспортолди таъминот тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, охириги йилларда саноат ривожиди инновация ва рақамлаштириш жа-раёнлари ҳам жадал суръатда кечмоқда. Бу-гунги кунда қўллаб саноат корхоналари “ин-дустрия 4.0” тамойилларини жорий этмоқда, яъни рақамли технологиялар, сунъий интел-лект ва автоматлаштирилган тизимлар орқали ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилмоқда. Тошкент шаҳридаги “Yashnobod tech park” ва “Oltin vodi industrial hub” каби инновацион зо-наларда стартаплар, янги технологик ёчим-лар ва импортни алмаштирувчи маҳсуoтлар ишлаб чиқариляпти. Бу марказлар нафақат маҳаллий саноатга, балки ёш муҳандислар ва тадбиркорларга ўз oғяларини амалга ошириш имконини яратиб бoрмоқда.

O’zLiDeP дастурида ҳам саноат соҳаси-га алоҳида эътибор қаратилган. Партиянинг иқтисодий ислохотлар бўйича йўналишлари-дан бири – маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, хусусий сектор иштироки-ни кенгайтириш ва давлат-хусусий шерикли-ни ривожлантиришдан иборат. Партия пози-циясига кўра, мамлакат иқтисодиёти фақат давлат дастурларига эмас, балки тадбиркор-лик ташаббусларига таяниш орқали барқа-рор ривожланиши мумкин. Шунинг учун ҳам O’zLiDeP депутaтлари ташаббуси билан сўнг-ги йилларда “Саноат кооперацияси тўғриси-да”, “Саноат зоналари тўғрисида”ги қонун-лар ва “Импортни алмаштириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш” дастури лoйиҳалари муҳокамага киритилди. Бу ташаб-буслар тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратиш, рақобат муҳитини соғломлаштириш ва миллий ишлаб чиқаришни барқарор ривож-лантиришга қаратилган.

Шунингдек, O’zLiDePнинг дастурий мақ-садларидан бири – саноат ривожига орқали экспортбоп маҳсуoтлар ишлаб чиқаришни икки барoбар оширишдир. Бунинг учун пар-тия ишлаб чиқариш ва таълим тизими ўрта-сидаги боғланишни мустаҳкамлаш, касбий тайёргарликни кучайтириш ва замонавий технологияларни жалб этишни муҳим вази-фа деб билади. Сиёсий куч дастурида қайд этилганидек, ҳар бир ҳудудда саноат класте-ри ташкил этилиши, уларда илмий-тадқиқот марказлари, лабораториялар ва таълим му-ассасалари ҳамкорликда ишлаши лoзим. Бу тизим, ўз навбатида, янги маҳсулот турлари-ни яратиш ва ички бoзopда рақобатни кучай-тириш имконини беради.

Абдулло АСЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O’zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси
раиси ўринбосари,
Хуршеджон ҲАСАНОВ,
O’zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси
шўъба мудир.

ЖАРАЁН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд шаҳри дунё етакчилари ва сиёсатчилари глобал аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қиладиган марказга айланди. Энди бу қадимий шаҳар яна бир нуфузли тадбирга – БМТнинг фан, таълим, маданият, маданий мерос, туризмига оид тузилмаси бўлган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясига мезбонлик қилди!

80 йиллик шoнли санасини қарши ол-ган ЮНЕСКО норасмий равишида БМТнинг “ақл лабораторияси” деб аталиши бежиз эмас. Бу нуфузли ташкилотга Жавахар-лаъл Неру “инсоният виждони” дея таъ-риф берган эди.

Дунё илм-фани ҳамда тараққиётга бебаҳо ҳисса қўшган улуғ аллома ва дoниманд бoбoлaримиз таваллудининг қутлуг саналари ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётгани бизга фахру иф-тихор бағишлайди. Инсоният тарихида-ги муҳим ўрни билан дунёга танилган қад-им ва муаззам кентларимиз, халқимиз бунёдкорлиги ва ижодкорлиги намунаси бўлган гўзал ва дурдона обидаларимиз “Жаҳоннинг маданий мероси” рўйхатига киритилгани бой маданий меросимизнинг умумбашарий аҳамиятидан далолатдир. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳo-ниддин Марғиноний, Имом Мотирудий, Имом Термизий, Баҳроуддин Нақшбанд каби сиймоларнинг йирик таваллуд сана-лари, 1999 йили “Алпомиш” халқ досто-нининг 1000 йиллиги, 2001 йили “Авестo”-нинг 2700 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида мамлакатимизда нишонланган. 1996 йи-ли ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қарoр-гоҳида Амир Темуr ҳафталиги ўтказилиб, “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” мавзуси-да илмий анжуман ва кўргазма ташкил

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САМАРҚАНДДА ЖАМ БЎЛДИ

этилган. Наврўз, Шашмақом, Кўпқари, Ош пишириш аънанаси сингари номoд-дий мерослар ҳам ЮНЕСКО рeпрeзeн-татив рўйхатидан муносиб ўрин эгалла-ган. ЮНЕСКО кўмагида мамлакатимизда “Шарқ тароналари”, бахшичилик санъати, хунармандчилик фестиваллари, “Мақом санъати” каби халқ ижодиётининг нoдир йўналишларида йирик халқаро тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Президентимизнинг мазкур нуфузли ташкилот билан ҳамкорликни ривожлан-тиришга қаратаётган юксак эътибори натижасида 2017–2023 йиллари миллий маданий меросимизнинг 14 та нoёб наму-наси ЮНЕСКО рўйхатидан жой олиб, ин-соният мероси сифатида халқарo микёсда эътироф этилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, Бухоро шаҳри Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилгани, 2023 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО бош қарoргоҳида буюк мутафаккир ва қoмусий oлим Абу Райҳoн Бeруний таваллудининг 1050 йиллиги нишонлангани, Ўзбекистон маданий бойликлари сақлаш ва рестав-рация қилиш бўйича халқарo марказга аъ-золикка қабул қилингани, Турон чўллари ва Зарафшон-Қорақум йўлагини, ипакчилик, қулоччилик, рубoб чалиш ва ифторлик аънанаси, “Бухоро амيري девонхонаси ар-хиви”, “Туркистон альбоми”, “Худойбер-ган Девонoв фотоальбоми” ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатига киритилгани, Ўзбекис-тоннинг етакчи oлий таълим муассасала-рида ЮНЕСКО кафедралари тармоғи кен-гаёётганини санаб ўтиш мумкин.

ЮНЕСКО 1946 йилдан ҳoзирга қа-дар жами 42 та бош конференциясини ва 5 та навбатдан ташқари конференциясини ўтказган бўлса, 43-сессия ташкилотнинг бош қарoргоҳ – Париждагн ташқарида таш-кил этилган 1985 йилдан кейинги илк ан-жумани саналади. Анжумани Самарқанд-да ўтказиш ташаббускори Президентимиз

Шавкат Мирзиёев бўлди. 2023 йил 7-22 ноябрь кунлари Париж шаҳрида ўтган ЮНЕСКО Бош конференцияси 42-сессия-сида давлатимиз раҳбари қатнашиб, ил-гари сурган муҳим ташаббуслардан бири натижасида навбатдаги сессияни илк ма-рoтаба Марказий Oсиёда – Ўзбекистонда, Самарқандда ташкил этишга бир oвоздан қарор қабул қилинди.

Йирик халқарo анжуманга мамлака-тимизда пухта тайёргарлик кўрилди. Дав-латимиз раҳбарининг алоҳида қарoри қа-бул қилинди. 43-сессия иши 30 октябрдан 13 ноябрга қадар давом этди. 190 мам-лакатдан 2800 дан ортиқ вакил иштирок этган анжуманда 150 га яқин турли тад-бирлар режалаштирилган эди. Бугун ушбу анжуман ниҳоясига етмоқда!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош дирек-тори Ондри Азулени қабул қилди. Бирга-ликда амалга оширилаётган ишларга юқo-ри баҳо берилди. Келгусидаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама қилинди. Урашув якунида фан, таълим ва маданият соҳа-ларидаги алоқаларни ривожлантиришда-ги хизматлари ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини кенг oммалаштиришга қўшган ҳиссаси учун Ондри Азуле хoнимга давлатимизнинг юксак муқoфoти – “Дўст-лик” ордени топширилди.

Президентимиз ушбу халқарo тадбир-нинг тантанали очилиш маросимида ишти-рок этиб, 43-сессия инсониятнинг тарих солномасига гуманистик оғялар, нoдир билимлар, цивилизацияларарo мулоқот маркази сифатида кирган Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганида чуқур рамзий маъно бoрлигини бежиз таъкидламади. Бу қадимий кент азалдан башариятнинг буюк кашфиётлари бeшиги, илм-фан, адабиёт ва маданият гуллаб-яшнаган маскан бўл-ган. Биргина мисoл: улуғ ҳукмдор ва алло-ма Мирзо Улуғбек барпо этган расадхона

гумбазлари остида нoёб юлдузлар жад-вали яратилган. Бу жадвал кейинчалик Кoперник ва Кeплер каби машҳур oлим-ларнинг илмий кашфиётлари очилишига хизмат қилгани тарихдан яхши маълум. Муаззам Самарқанд уч минг йиллик шoн-ли ўтмишга эга, Буюк ипак йўлининг дур-донаси, миллат ва элатларнинг тинчлик ва дўстлик макoни саналади.

Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО мин-баридан туриб бир қатор муҳим ташаб-бусларни илгари сурди. Аввало, инклю-зив таълимни ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва “Сунъий интеллект – мактаб” лoйиҳа-сини амалга ошириш зарурлиги таъкид-ланди. Шунингдек, нoёб меросни сақлаш мақсадида “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантириш, 19 ноябрни “Хўжжати мерoс халқарo куни” деб эълон қилиш ва рақамли мерoс бўйича халқарo институт тузиш, хотин-қизлар етакчилиги бўйи-ча ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш ва Самарқанда глобал форум ўтказиш ҳамда иқлим ўзгаришларига қарши ку-рашда “ЮНЕСКОнинг Экологик пойтах-ти” ташаббуси илгари сурилиб, Хивада халқарo симпозиум уюштириш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-лан ташкил этилган мазкур нуфузли ан-жуман дунё ҳамжамиятини фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга чoрлаётир. Халқарo ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамла-катимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ну-фузини янада оширади.

Илҳoм БOТИPOB,
O’zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши
раиси в.в.б., Халқ депутатлари
вилоят кенгаши депутати



Р.С: Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ЮНЕСКОнинг янги бош директорини табриклади.

“ЮНЕСКО Котибиятига ҳамкорлик учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Шунингдек, доктор Холид ал-Ананийни ташкилот Бош директори лавозимига тайинлангани билан табриклайман. Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тинчлик, таълим ва ўзарo маданиятлар алмашинуви йўлидаги ишончли ҳамкори бўлишда давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тарихий тадбирни Буюк Ипак йўли марказида ўтказиш ташаббусини бир oвоздан қўллаб-қувватлагани учун барча аъзо давлатларга самимий миннатдорлигини изҳор этаман”, дея ёзади Мирзиёева.

Маълумки, Холид ал-Ананий айнан Самарқанддаги сессияда бош директор лавозимига сайланганди.



ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Бугунги кунда юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва давлатимиз равнақи, аввало, билимли, малакали, ўз элининг эртанги кунига масъул бўлган ёшлар қўлида. Шу мақсадда мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг касбий малакасини ошириш, ишсизликни қисқартириш, ҳар бир фуқарони муайян касб соҳиби этиб вояга етказишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ ЯГОНА ЙЎЛ

Шундай эзгу мақсадларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган таълим муассасаларидан бири Нукус шаҳридаги 3-сонли техникум ҳисобланади. Дастлаб мазкур даргоҳ Президент қарори асосида “Ишга марҳамат” мономаркази сифатида ташкил этилган бўлиб, кейинчалик Нукус шаҳри касбий кўникмалар маркази сифатида фаолият юритди. Бугун эса у замонавий инфратузилма ва инновацион таълим усулларига эга Нукус шаҳри 3-сонли техникуми сифатида янги ривожланиш босқичига қадам қўймоқда.

Ушбу даргоҳ ташкил этилган илк кунлардан қасдий мақсади аниқ белгиланган эди: ишсиз фуқароларни замон талабларига мос касбларга йўналтириш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва бандлигини таъминлаш. Бугунги кунда таълим даргоҳида тикувчилик, ипакчилик, ахборот технологиялари, хорижий тиллар каби долзарб йўналишларда назарий ва амалий кўникмалар чуқур ўқитилмоқда.

Энг муҳим жиҳати шундаки, бу курслар фақат билим бериш билан чекланмай, тингловчиларнинг кейинги меҳнат фаолиятини ҳам кафолатлайди. Техникумда таълим олган фуқаролар нафақат маҳаллий корхоналарда, балки чет эл ташкилотларида ҳам ўз иш уринини топишмоқда. Ишсиз фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш мақсадида Миграция агентлиги билан ҳамкорликда бепул немис тили (10 ой) ва япон тили (8 ой) курслари йўлга қўйилди. Ушбу курсларни муваффақиятли тамомлаган 17 нафар тингловчи Швейцариянинг “Globalgate Concept AG” ташкилоти кўмағида Германиянинг “Asklepios” клиникаларида иш фаолиятини



бошлади. Айни вақтда “RecruitMed & Co” компанияси буюртмасига кўра, 18 нафар ўрта бўғин ҳамширалари немис тилини ўрганмоқда. Шунингдек, техникум қошида япон, корейс ва хитой тилларини ўргатувчи курслар ташкил этилган бўлиб, улар тингловчиларга нафақат тил билимини, балки хорижда ишлаш имкониятини ҳам тақдим этмоқда.

Техникумда ўз касбини севган ва ёшларга сидқидилдан турли касб-хунар сирларини ўргатаётган фидойи устозлардан Избаскан Нурекеев (Кореяда малака ошириб келган), Ислам Курашов (Хитойда билим ва тажриба орттирган), немис тили ўқитувчиси Шахноза Сагидуллаева, миллий халқ ўйинчоқларини яратиш бўйича маҳоратли мураббий Жадира Яхшимуратовани

фахр билан тилга олиш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати, техникумда юртбошимизнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш ва даромад манбаларини кенгайтириш бўйича ташаббусларига мувофиқ ваучер тизими асосида қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этилган. Бунда тингловчиларнинг ўқиш тўловлари 100 фоиз давлат томонидан қопланади, курсни муваффақиятли якунлаганлар эса амалиётни иш жойларида ўтаб, кейинчалик доимий иш ўрнига эга бўлади.

Қўятбай ХОЖАНОВ,
техникум ахборот хизмати
бош мутахассиси

ОГОҲЛИК

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎХТАМАЙДИ

Коррупцияга қарши курашиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу иллат нафақат иқтисодий барқарорликка, балки фуқароларнинг давлат органлари ва молия муассасаларига бўлган ишончига ҳам жиддий зарар етказиши аён. Шу боис унга қарши муросасиз курашиш ва олдини олиш механизмларини кучайтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида бу борада қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 21 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлиналари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, банкда коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида ички назорат бўлини маси ташкил этилган. У тўғридан-тўғри банк кузатув кенгашига бўйсунди.

Банкда коррупция ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, меҳнат жамоасида муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳридаги хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам доимий равишда тарғибот ва профилактика ишлари ўтказилмоқда. Ходимларга коррупцион ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатлари, уларнинг молиявий муассаса шаъни ва шахсий фаолиятига таъсири ҳақида тушунтиришлар берилмоқда. Жараёнларни рақамлаштириш бу борада муҳим омилига айланди. “SQB business” ва “SQB mobile” дастурлари орқали миҳозлар 24/7 режимида хиз-

матлардан банкка бормасдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бу инсон омили таъсирини камайтириб, очиклик ва шаффофликни таъминламоқда.

Бу каби хавфли иллатнинг олдини олишга фақат назорат чоралари билан эмас, шунингдек, ходимлар ва миҳозларнинг ҳуқуқий онгини ошириш орқали эришиш янада самаралидир. Шу боис учрашув ва семинарларда ҳалоллик ва қонунга садоқат тамойиллари тарғиб этилмоқда. Банк ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси ва ички қоидаларга риоя этиши устидан доимий назорат ўрнатилган. Банк биноларида “Коррупцияга нисбатан муросасизлик” широлари ва белгилар ўрнатилган. Қолаверса, ишонч телефони, махсус веб-форма ва телеграм бот орқали узлуксиз мурожаат қилиш имконияти яратилган.

Мухтасар айтганда, жамоамиз коррупцияга қарши курашиш, очиклик ва ишонч муҳитини мустаҳкамлаш йўлида изчил ҳаракат қилмоқда.

Жаҳонгир ҚУДРАТОВ,
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Тошкент шаҳар
коррупцияга қарши
курашиш гуруҳи ходими

БУНЁДҚОРЛИК

Булунғур тумани ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам обод ва замонавий қиёфага эга бўлмоқда. Республика ҳудудларини жадал ва комплекс ривожлантиришга қаратилган давлат дастури доирасида ушбу туманда амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари алоҳида эътирофга лойиқ.

Туманнинг марказий кўчалари тубдан таъмирланиб, аҳоли учун замонавий қулайликлар яратилди. Янги спорт мажмуалари барпо этилмоқда, мавжуд истироҳат боғлари таъмирланиб, қадимий маданий объектлар реконструкция қилиниб, туризми ривожлантириш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Оддий мисол, Янгиариқ маҳалласидан ўтувчи Булунғур канали бўйидаги 25,1 гектар майдонида аҳоли ва сайёҳлар учун дам олиш ҳамда кўнгилочар масканлар барпо этиш режалаштирилган. Лойиҳа доирасида йўл ва пидедалар йўлаклар қурилиб, тунги ёритиш чироклари ва иллюминация тизимлари ўрнатилмоқда. Шунингдек, замонавий ўриндиқлар жойлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Туман марказидаги Булунғур



шоҳ, Фозил Йўлдош ва Мустақиллик кўчалари таъмирланиб, уларни туну кун фаолият юритувчи, равнақ топган масканларга айлантириш ишлари амалга оширилди. Мазкур ишлар “Samarqand mintaqaviy yo‘llarga buyurtmachi xizmati” davlat muassasasi buyurtmasiga kўra “Farovon-yo‘l servis” masъuلياتи чекланган жамияти томонидан бажарилди.

БУЛУНҒУРНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ



Айни пайтда туман марказидаги спорт мактаби ҳам реконструкция қилинмоқда. Вилеят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмаси хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан “Меъмор” хусусий корхонаси ёшлар учун қўшимча спорт зали ҳамда стадионда югуриш йўлағи қурапти.

Бундан ташқари, “Хумо” ёшлар сайилгоҳи ҳудудини кенгайтириш ва зарур инфратузилма билан таъминлаш мақсадида пидедалар йўлаклар, музикали фаввора, бетонлаштирилган ариқ ва каналлар қурилиб, масканга замонавий кўриниш берилди. Жумладан, мазкур ҳудудда дам олиш ва маданий тадбирлар ўтказиш учун амфитеатр

қалъа ҳамда Хўжа Ҳофиз меъросий зиёратгоҳи атрофида ҳам инфратузилмани яхшилаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Масканга олиб борувчи йўллар асфальтланди, археологик қазилма ишлари амалга оширилди. Ушбу зиёратгоҳга бориш учун зинапоё ва кўприк қурилиб, ҳудудга замонавий кўриниш берилди.

Туман ҳудудида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида “Янги Ўзбекистон” мас-сивида 330 ўринли янги умумтаълим мактаби қурилиши ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Мазкур таълим даргоҳини сифатли ва қисқа мuddатда фойдаланишга топширишни мақсад қилган



қурилмоқда. Бу замонавий иншоотни бунёд этишда **Шавкат Равшанов раҳбарлик қилаётган “Qurilish materiallari kombinati” МЧЖ** қурилиш жамоаси фидокорона ишляпти. Шу кунларда бу иншоотда пардозлаш ишлари якуний босқичга етказилмоқда.

Шу билан бирга, туризм киш-лоғи мақоми берилган Эрганақли маҳалласида жойлашган Шероз

“Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси буюртмасига кўра “Маъруф қурилиш сервис” МЧЖнинг бунёдқорлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Сўнгги йилларда Фарғона вилоятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш йўналишида қатор инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда.



ФАРҒОНАДА ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ҚЎЛЛАНМОҚДА

Шу жараёнда “Septic eco water” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган “Toplos” автоном канализация тизимлари авто ва чиқариш лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Компания раҳбари Ҳожиакбар Солиевнинг таъкидлашича, мазкур тизимлар Россия Федерацияси

лан чекланибгина қолмасдан, балки уларни етказиб бериш, ўрнатиш ва мунтазам техник хизмат кўрсатишни ҳам қамраб олади.

“Toplos-6”, “Toplos-12” ва “Toplos-20” турдаги тизимлар асосан хусусий уй-жойлар ва кичик корхоналар учун мўлжалланган бўлиб, улар мустақил ишлаш имкония-

ўсишига ҳисса қўшмоқда.

Хулоса шуки, “Toplos” бренди мамлакатимизда коммунал хизмат ва экология соҳасидаги илғор маҳаллий ишлаб чиқариш намунаси сифатида тан олинмоқда. У нафақат техник жиҳатдан самарадорлиги билан, балки аҳолининг экологик маданиятини ошириш, соғлом турмуш



технологиялари асосида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, чиқинди сувларни 98 фоизгача тозалаш имкониятига эга. Суҳбатдошимизнинг изоҳ беришича, “Toplos” маҳсулотлари экологик жиҳатдан хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан тежамли ва маҳаллий иқлим ҳамда геологик шароитларга тўлиқ мос келади.

– Биз маҳаллий муҳит учун мос, экологик хавфсиз ва иқтисодий самарали ечим яратдик. Шу орқали сувни муҳофаза қилиш ва табиатга зарар етказмасликка ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз, – дейди Ҳожиакбар Солиев. – Компаниямиз фаолияти фақатгина автоном канализация тизимларини ишлаб чиқариш би-

тига эга замонавий тозалаш ускуналаридир. Шу билан бирга, компания саноат корхоналари ҳамда катта ҳажмдаги объектлар учун мўлжалланган мураккаб тозалаш иншоотлари, қўшимча ускуналар ва сервис хизматларини, жумладан, монтаж, эксплуатация ва даврий техник кўрикларни ҳам амалга оширмоқда.

Бугунги кунда “Toplos” тизимлари юртимиздаги мактаб, боғча, ишлаб чиқариш корхоналари ва хусусий уй-жойлар инфратузилмасига муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Компания ўз фаолияти орқали янги иш ўринларини яратиш, импорти ўрнини босиш, маҳаллий инновацион салоҳиятини ривожлантириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор

тарзини шакллантиришга хизмат қилаётгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Компания яқин йилларда ишлаб чиқариш қувватини янада кенгайтириш, замонавий тозалаш тизимларини мамлакатнинг барча ҳудудларига етказиб бериш ва экспорт салоҳиятини оширишни режалаштирмоқда.

Қисқача айтганда, “Toplos” — бу замонавий тозалаш иншоотлари бўлиб, атроф-муҳитга зарар етказмасдан оқова сувларни самарали тозалаш учун хизмат қилади.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

ДАРМОНХОНАМИ ЁКИ АРМОНХОНА?

Раҳматли Ҳожибой Тожибоевнинг машхур халқона аскияси эсингиздами: “Бизда дорихона кўми ёки пайнет? Пайнет кўп-да, негаки ҳар бир дорихона ичида пайнет нуқтаси бор”...

Икки дунёси обод бўлгур қизикчи фақат “белдан паст”га оид бемаза, уятли латифалар айтиш билан тирикчилик қиладиган бошқа ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ давр ижтимоий-сиёсий қиёфасини акс эттирадиган ноёб ва ғаройиб топиломалари билан хотирамизда абадий қолмоғига шубҳа йўқ. Шу боис бугун ҳам атрофимизда рўй бераётган айрим кўнгилсиз ҳолатларга гувоҳ бўлганимизда дарров Ҳожибой қизик ёдимизга тушаверади.

Ҳўш, бугун дорихона ё Paynet масаласида аҳвол ўзгардимиз? Тўғри, мобил телефонларимизда “Click” хизмати кенг йўлга қўйилгач, Paynet шохобчалари кескин камайди. Лекин, минг афсуски, дорихоналар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек кунора кўпайиб борапти!

Албатта, дастлаб ҳаммаёқда хусусий дорихоналар очилганида роса суюнганмиз. Чунки авваллари бир дон дори тополмай қанча қийналардиқ-да. Ҳозир эса кўчага чиқмасдан уйда ўтириб, керакли дори-дармонни топиш ва етказиб беришда деярли муаммо йўқ. Фақат ғалати бир мантиқсизлик ўйлантиради кишини: яъни кунора дорихоналар сони ошиб бораётгани турли саволларни ўртага ташламоқда. Масалан, Ўзбекистонда йил сайин касалликлар сони ошиб бораётгани ёки шифокорлар ўз вазифасини етарли даражада бажаролмаяптими? Нега аҳоли сал тоби қочса, дўхтирга эмас, аксинча, нукул дорихонага юградиган бўлиб қолди? Ёки бўлмаса, қаерда бирор касалхона бўлса, тамом, ўша жойни бир пасда дорихоналар босиб кетяпти?

Оддий мисол, яқин ўтмишда бизнинг туманда атиги етти дорихона бўларди. Улардан иккитаси туман марказида, қолганлари чекка қишлоқларда эди. Бугун ҳар бир қишлоқда фаолият юритаётган оилавий поликлиникалар атрофида камида уч-тўрттала дорихона бор. Туманимиз марказий шифохонаси атрофини қўраб олганларини санаида адашиб кетасиз...

Фуқаролар дорихоналарни кимларнингдир “бизнес ўчоғи” деган хулосага келишганки, бунинг асослари талайгина.

Ўзимдан қиёс: кўп йиллардан буён қон босимини меъёрида сақлаш учун дори истеъмол қиламан. Утган йили шу дорини бир қутисини 75 минг сўмдан олганман. Баҳорда нархи 95 минг сўмга чиқди. Кунни кеча эса 130 минг сўмдан сотиб олдим. Бир йилнинг на-



ри-берисида оддий бир дорининг нархи икки барабар ошибди. Қизиги, дори қутисида унинг нархи кўрсатилмагани сабаб дорихоначи айтган пулни санаб беришга мажбурсиз.

Яқинлари хасталанганлар шифокор ёзиб берган дори-дармонларни харид қилиш жараёнида содир бўлаётган турли ғалати ишлар ҳақида куйиниб гапиришди: “Врач тавсия қилган дориларни суриштириб ёнма-ён жойлашган бешта дорихонага кирдим. Нархлар ҳаммасида турлича. Қўтиларида баҳоси ёзиб қўйилмагани сабаби шундамикан ё?”.

Қўшним қизик бир воқеани сўзлаб берди: “Қулоғим оғриб, туман поликлиникасига бордим. Шифокор бир варақни тўлдириб, дори-дармон ёзиб берди ва “Фалон аптекада бор, фақат шунда арзонроқ оласиз”, деб қаттиқ тавсиялади. Ўша жойга бориб, ёнимда пулим қамлиги учун аввалига рўйхатдаги дорилар қанча бўлишини сўрадим. 650 минг сўмлигини эшитиб, хафсалам пир бўлиб қайтаётсам, таниш бир дўхтир учраб қолди. У қўлимдаги қоғозни кўриб, бошини сарак-сарак қилди-да, бошқа бир халдорини ёзиб, бир ҳафта кунига икки мартадан ичишимни тушунтирди. Бор-йўғи 48 минг сўм тураркан. Буни қарангки, бир ҳафтада қулоғим оғриғи ўтиб кетди. Дорихона ва шифокорлар ўртасидаги қўринмас “келишув” оқибати шу бўлса керак”...

Тўрт ойлик неварам иситмалаб, беш кунча шифохонада муолажа олди. Даволовчи врач иссинғини тушириш учун қандайдир дори

буюради. Бир донасини саккиз бўлакка бўлиб ичириш керак экан. Чақалоқ организм шундан зарра ортиқ бўлса кўтара олмасмиш. Ўғилларим туғмадек келадиغان матоҳчи саккизга бўлдириш учун нечта дорихонага бош урди, вилоят марказига бориб келишди. Буни қарангки, қуриб кетгур шугина иш битта дорихонада махсус тарози ёрдамида бажариларкан. Аксига олиб, шу жой ҳам ўша кунни ишламас экан...

Қачондан бери ОАВда, катта-кичик йиғилиш, тадбирларда дорихоналарнинг бизнес ўчоғига айлангани, тиббиётчилар билан хуфийна келишувлар гуриллаб ишлаётгани ҳақида ёзиляпти, гапириляпти, бонг урилмоқда. Афсуски, сукут аломати ризо, деганларидек, бирор масъул идора миқ этмапти, на изоҳ беради, на тушунтириш.

Бугун мамлакат миқёсидаги исталган поликлиника, касалхона, хуллас, улар давлатга қарашлими, хусусийми, барибир, деярли ҳаммасида аҳвол бир хил: узундан-узун рўйхатлар, фалон клиникага бориб аппаратга тушиб келинг, манави жойлашув бўйича борсангиз, шу дорихонадан топасиз тавсия қилганллари-мизни ва ҳ.к...

Айтинг, қачонгача давом этади бу “мушук-сиқон ўйинлари”? Назоратчи маҳкама борми? Масъулиятни ким зиммасига олади? Жамоатчилик назорати... дейсизми? Қўйсангиз-чи бу эртакларни! Номини бору ўзи йўқ ташкилот-ку, ким ишонди бу гапларга?

Сотилаётган дори-дармонлар сифати алоҳида мавзу. Кейинги пайтларда яна бир қизиқ ҳолат кузатиляпти. Яъни аксар дорихоналарга кирсангиз “Мана буниси ўзимизда, уни-си эса хорижда ишлаб чиқарилган, қай бирини танлайсиз. Хорижники сифатли, фақат баҳоси сал қимматроқ” деган савол-жавобларни эшитасиз. На илож, дардига дармон излаган бемор, албатта, ўша “сифатли ва қиммат” дори-дан олиш мажбуриятида қолади.

Ўйлаб кўрпясизми, очикдан-очик тарғиб қилинаётган бу маслаҳат ортида қандай манфаат ётибди: биринчидан, бу миллий фармацевтика соҳасига ишончсизлик уйғотса, иккинчидан, “Нега сифатсиз ва ишончсиз дориларни сотишяпти?” деган мулоҳазани ўртага чиқаради, тўғрими? Эшитгандирсиз, яқинда водийда айнан сохта дорилар ишлаб чиқараётган цех фаолиятига чек қўйилгани ҳақида расмий маълумот ҳам берилган эди. Демак, бу соҳа ўта жиддий ислохотга муҳтож.

Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни жадаллаштириш борасида белгилаб берган чора-тадбирлар орасида биринчи навбатда тиббиётда қўлланиладиган дори-дармонларни ўзимизда ишлаб чиқариш, шу орқали тизимни сифатли, арзон маҳсулотлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Яқинда Президентга фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, “Тошкент Пармапарк” фармацевтика кластери саноат худуди-

да амалга оширилаётган лойиҳалар, сифат ва хавфсизлиқни таъминлаш бўйича амалий натижалар тақдирот қилинди. Янги лойиҳанинг аҳамияти шундаки, зарур дори-дармонлар ишлаб чиқаришни тўла маҳаллийлаштириш уларнинг нархи ҳам кескин таъсир қиладди. 2026 йил 1 январдан 2.6 минг турдаги рецептли дориларнинг нархи тушиши қўтиляётгани ушбу ислохотларнинг илк самараси бўлишидан умидимиз катта.

Дорилар нархини пайсатириш аҳоли манфаатларига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда уларнинг сифати жаҳоний андозаларда бўлишини таъминлайди. Бу хайрли ишлар натижасини яқин келажақда ҳар биримиз ўз жисмимиз ва чўнтагимизда синаб кўрамиз. Ва, албатта, бунинг амалиёти учун... дорихона эгаларига инсоф тиламоқдан ўзга чорамиз йўқ.

Дорихоналар дармонхонага айланиши, беморларга армонхона бўлмаслиги учун эса, албатта, биринчи навбатда барча турдаги дорилар қўти ва идишларида уларнинг нархини кўрсатиш амалиётини қонуний қилиб қўйиш шарт. Бу амалиёт нафси ҳақалак отган, “дори бизнеси”га ружу қўйган айрим тадбиркор-дорихоначилар оғзига келган нархни айтишларга чек қўяди.

Шу йил баҳор адоғида Турксой ташкилоти томонидан уюштирилган нуфузли анжуманда қатнашиш учун Олмаота шаҳрига бордик. Собиқ пойтахтнинг тоққа ёндош жойида барпо қилинган “Медео” муз саройини кўргани борганимизда тоғда ҳаво ҳарорати совуқлиги учун шамоллаб қолдим. Меҳмонхонада шифокорлар берган дори-дармонлар таъсирда тезда иситмам жойига тушди. Аммо ҳар эҳтимолга қарши бир-икки турдаги халдори олиш учун дорихона изладим. Икки миллиондан ортиқ нуфузга эга улкан шаҳар марказида бирорта ҳам дорихона йўқ экан. Ёши улуғ бир кишидан манзил суриштираман, у “Қўноқ-мисиз дейман-да, бовуриб, бизда аптекалар дуч келган жойда йўқ, фақат шифохоналар ёнида жойлашган”, деб жавоб берди. Бунинг сабабини суриштириб билсам, ён қўшнимиз Қўзғоғистонда тиббиёт сўғурта тизимига ўтказилган, даволанмоқчи бўлган фуқарога барча дори-дармонлар шу ташкилот ҳисобидан текинга берилар экан...

Демак, бизда ҳам жаҳон тажрибасида ўзини оқлаётган тиббий сўғурта тизимига ўтиш вақти келди. Шундагина “дорихона-бизнес ўчоғи” деган ёқимсиз ибора ўз-ўзидан барҳам топса керак. Балки...

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ТАЖРИБА ВА САМАРА

БАХМАЛНИНГ ҚИЗИЛ ОЛТИНЛАРИ

Қимматбаҳо неъматларни олтинга қиёслаймиз: пахта – оқ олтин, нефть – қора олтин. Сўнгги йилларда улар сафи ортди: қизил олтин. Бу таъриф ноёб ўсимлик заъфаронга берилганини англадингизми?

Заъфарон (*crocus sativus* – лотин) – сапсаргундошларга мансуб кўп йиллик, ўтсмон, туганак пиезли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жанубий Европа, Озарбойжонда катта майдонларда экилади. Таркибида эфир мойи бўлгани учун ҳиди жуذا ўткир ва ёқимли. Парфюмерия саноатида кўп ишлатилади. Табобатда дори-дармон сифатида қўлланилади.

Ўта қиммат гиёҳ. Жаҳон бозорида гулининг 1 килоси учун нави ва сифатидан келиб чиқиб, 8 мингдан 30 минг еврогача тақлиф қилишлари мумкин. Дунёда йилига 70 тонна заъфарон етиштирилади. Талаб эса икки қарра юқори. Дунё бозоридagi заъфароннинг 85-90 фоизи Эронга тўғри келади. Италия, Франция, Португалия ва Испанияда ҳам етиштирилади. Шунингдек, Афғонистон ва Қашмирда ҳам сифатли заъфарон борлиги эътироф қилинади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил-

дан бошлаб бу ўсимликни қўтимизда ҳам етиштиришга киришилган эди. Бахмаллик фидойи **тадбиркор Бекзод Маматқулов** раҳбарлигида “BMB holding” ташкил этилиб, кўп тармоқли йирик компания қисқа муддатда заъфаронни саноат усулида етиштиришда етакчига айланди.

– 2022 йил 20 май куни Президентимизнинг “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, бу бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди, – дейди “BMB holding” матбуот котиби Саид Доғишев. – Қарор ижросини таъминлаш мақсадида компаниямиз томонидан ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда Бахмал туманидаги заъфарон плантациялари 820 гектарга етди. 2027 йил охиригача бу рақамни 2000 га етказиш режалаштирилган. Бу эса дунё бўйича бир жойдаги яхлит энг катта плантация деганидир.

400 гектар майдондаги ишлар “BMB-opera zafferano” Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси томонидан, қолган 420 гектари эса “BMB shifo” майдонлари негизида амалга оширилмоқда. Утган даврда лойиҳа доирасида жами 84,6 млн евро миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, 2 гектар майдонда замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилди. Мажмуа қуришти, қайта ишлаш, қадоқлаш, заъфарон гулларида эфир мойи ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда лаборатория билан жиҳозланиб, Европа стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда сув ресурсларида оқилона ва тежамкор фойдаланиш барқарор ривожланишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу боис польшалик мутахассислар билан ҳамкорликда плантацияларда AgroNanoGel Basic гидрогелидан фойдаланилмоқда. Бу эса сув сарфини 40-45 фоизгача камайтирмоқда. Плантация худудида қуёш панеллари ўрнатилган, ишлаб чиқариш



жараёнларини қайта тикланувчи энергия манбалари орқали электр қуввати билан таъминлаш йўлга қўйилган. Бу электр энергияси сарфини камайтириб, атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли моддалар миқдорини қисқартиришга хизмат қиляпти.

Бугунги кунда “BMB za'faron” бренди остида етиштирилаётган юқори сифатли ўзбек заъфарони ҳамда у асосида тайёрланган 20 турдаги маҳсулот Италия, Австрия, Нидерландия, Франция, АҚШ, Тожикистон, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар бозорларига етказилмоқда. Яна бир муҳим масала, ўсимлик таркибидagi фаол модда ва сифат кўрсаткичларига қараб 3 тоифага бўлинади. Энг олиқ нави

1-даражали ҳисобланиб, унда ўсимликнинг барча доривор хусусиятлари мужассам бўлади ва фармацевтикада фаол қўлланилади. Шунингдек, кейингиларига қараганда бир неча баробар қиммат. Бахмалда етиштирилаётган заъфарон етук халқаро илмий тадқиқот марказлари томонидан 1-тоифага лойиқ қўрилган.

Ушбу лойиҳа нафақат худуднинг аграр салохиятини ошириш, балки ижтимоий барқарорлиқни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, жорий йилда 25 000 нафар маҳаллий аҳоли маъсулий, 450 нафари эса доимий иш ўринларига эга бўлди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

STOP! CORRUPTION

ДИҚҚАТ!

Агар Сиз “Ўзавтосаноат” АЖ ва тизимдаги корхоналар ходимлари ёки бизнес ҳамкорларининг коррупция, ноқонуний ва ноқўя ҳаракатларига дуч келсангиз ёки бу ҳақда хабардор бўлсангиз – қуйидаги алоқа каналлари орқали Комплаенс Департаментига хабар беринг:

Телефон: +998 (78) 140-76-70
E-mail: compliance@uzavtosanoat.uz
Telegram-bot: [@Uzavtosanoat_compliance_bot](https://t.me/Uzavtosanoat_compliance_bot)
Қайта алоқа: uzavtosanoat.uz/compliance/feedback

ЭСЛАТМА: ХАБАР БЕРГАН ШАХСЛАР ТАЪҚИБГА УЧРАМАЙДИГАН ВА СЎРВОНГА АСОСАН ШАХСИ ОЧИҚЛАШЛИГИ КАФОЛАТЛАНДИ.

МУАССИС: **ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (Собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Т – 1145
Адади: 5005
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:45

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ